

Ҳар бир халқнинг, миллатнинг мавжудлиги, аввало, унинг ўз тилига эгалиги билан белгиланади. Қолаверса, ўзликни англаш, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали юз беради.

Президентимиз Ислам Каримов "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарига таъкидлаганидек, жамики эзгу фазилашлар инсоннинг бига, аввало, она алласи, она тилининг бетақдор жозибаси билан бўлганда.

Бу ҳақда фикр юритганда, мамлакатимизнинг мустақиллик сари илк қадамлари 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан бошланганини таъкидлаш лозим. Ўша йили 21 октябрда "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тили ўзининг юксак ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Ҳали истибдоғ кишанлари парчаланмаган бир пайтда Ўзбекистонда бу қонуннинг қабул қилиниши халқимизнинг маънавий ҳаётига улкан воқеа эди.



Тил — миллатнинг ўзлиги

Шундан сўнг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизнинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир", деган қоида мустаҳкамланди. Юртимизда иш юритиш, таълим-тарбия жараёнлари ва бошқа муносабатларда давлат тилининг устувор аҳамияти ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилди.

Шу тўғрисида ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни тикланди, жамиятдаги мавқеи кўтарилди, уни миллий қадриятга айлантириш борасида эзгу ишларга замин яратилди. Давлат тили мамлакатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Буларнинг барчаси бежиз эмас, албатта, зеро, она тилини ривожлантириш ҳар бир халқ мустақиллигининг, миллат маънавий ўзлигининг дастлабки шартларидан биридир. Чунки тил халқнинг, миллатнинг тарихи, маданий мероси, турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарини ўзида мужассамлаштириб, аجدодлардан авлодларга ўтишини таъминлайди.

Маълумотларга қараганда, Ер юзиде беш мингга яқин тил ва лаҳжалар мавжуд бўлгани ҳолда атиги юзга яқин тил давлат тили мақомига эга. Ҳар бирида йигирма миллиондан ортиқ одам гаплашадиган тилларнинг умумий сони қирқтага бормайди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани, у мамлакатимиздан ташқарида

ҳам миллионлаб кишиларга алоқа воситаси бўлиб хизмат қилаётгани барчамизга фахр-ифтихор бахш этади.

Истиқлол йилларида тил-миллатимизнинг ривожлантиришига қаратилган тадқиқотлар кўпайди, унинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган адабиётлар, кўплаб луғатлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан тайёрланган "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"га адабий тилимизда истеъмолда бўлган 80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, санъат ва маданий соҳаларга оид терминлар, тарихий ва эскирган атамалар жамлангани унинг имкониятлари нақадар катта эканини кўрсатиб турибди.



Бугун турли даражадаги расмий учрашув ва суҳбатлар, музокараларда тилимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётган ҳолда, нуфузли халқаро анжуманлар, спорт тадбирларида ўзбекча калитлар янграмоқда. Чет элларда ўзбек тилида китоблар, газета ва журналлар нашр этилмоқда, ўзбек тилини ўрганувчилар, унга қизиқувчилар сафи изчил кенгаймоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

Қ А Р О Р И

2015 йил 18 сентябрь № 13 Тошкент шаҳри

Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида

Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларга тушунтирилсинки, судланганлик шахснинг, унга суд ҳукми билан жазо қўлланилишидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолати бўлиб, мазкур шахсга нисбатан жиноят-ҳуқуқий ва умум-ҳуқуқий хусусиятга эга муайян салбий оқибатлар келиб чиқишида намоён бўлади.

да шахс судланмаган ҳисобланадиган ҳоллар мавжуд. Жумладан, куйидаги ҳолда шахс судланмаган ҳисобланади, агар унга нисбатан:

жазо тайинланмаган ҳолда айблов ҳукми чиқарилган (ЖК 70, 71, 76-моддалари) ёхуд шахс бир вақтнинг ўзида асосий ва қўшимча жазодан биричи, апелляция, кассация ёки назорат инстанцияси суди томонидан озод қилинган (ЖК 69, 75, 76-моддалари) бўлса;

тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса (ЖК 94-моддаси).

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma'rifat

Фуқаролик суд ишларини юритишни оптималлаштириш — долзарб масала

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳар соҳада ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 2 августда қабул қилинган "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг мантқий давоми бўлди.

Мазкур Фармон асосида суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақоми муҳофаза қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар тубдан кучайтирилди.

даги шарт-шароит янада яхшиланади.

Ушбу тушунча ўзининг юридик мазмун-моҳиятига ҳам эга. Хусусан, фуқаролик суд ишларини юритишнинг оптималлаштирилиши деганда, одил судловнинг мақсад ва вазифаларига эришишнинг энг яхши ва мақбул йўлини танлаш имконини берувчи фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал этиш механизмни тақомиллаштириш тушунилади.

Фармонда белгиланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, ташкилотларнинг қонуний манфаатларини суд томонидан самарали ҳимоя қилишда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш муҳим ўрин тутаети. Ҳозирги кунда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини ҳамда уларда иш юритувини оптималлаштириш ва унинг шакл ва воситаларини тадқиқ этиш муҳим масалалардандир.

Ҳуқуқий адабиётларда эътироф этилишича, фуқаролик суд ишларини оптималлаштиришни умумий ва махсус воситаларга ажратиб муҳим.

Айтиш жоизки, "Оптималлаштириш", яъни латинча "optimus" сўзининг луғавий маъноси "энг яхши, энг соз, аъло" деган тушунчани англатади. Бу — муайян ҳолатларнинг энг яхшисини танлаш имконияти демакдир. Бошқача айтганда, оптималлаштириш натижасида у ёки бу тизим имкониятлари ва улар-

Умумий воситаларга одил судловни амалга ошириш механизмни оптималлаштиришга хизмат қилувчи воситалар, яъни процессуал муддатларни оптималлаштириш, фуқаролик процесси босқичларини, хусусан, фуқаролик ишлари юритишга қабул қилиш, кўриб чиқиш учун тайёрлаш, ишнинг мазмунан кўриш, суд ҳужжатларини қайта кўриш ва ижро этишни оптималлаштириш назарда тутилади.

(Давоми учинчи бетда)

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чековларни бартараф этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Mezon

Ер участкалари танлов асосида берилади

Мазкур ҳужжатда бизнес муҳитини янада яхшилаш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратиш вазифаси қўйилган. Шундан келиб чиқиб қурилиш соҳасида тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида 2015 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиб-тартибларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда қурилишнинг барча босқичларида — шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашдан бошлаб объектларни фойдаланишга топширишгача тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-тартиблари доирасида ягона қоида ва талаблар белгиланди.

— Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларининг танлов асосида берилиши ушбу соҳада соғлом рақобат муҳити яратилишига йўл очади, — дейди Ўзбекистон Савдо-сановат палатаси раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Анвар Икромов. — Фойдаланилмаётган ерлар бўйича танлов эълон қилинишининг ўзи соҳада ошқоралик, шафқофлик таъминланиши, бюрократик тўсиқлар барҳам топшишга замин яратади. Ҳукумат қарори моҳиятида ҳам тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитларини яратиш, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатномалар бериш механизмининг янада тақомиллаштириш назарда тутилгани шу мақсадга хизмат қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Sabog

Инсон шаъни ва қадр-қиммати муқаддас

унга дахл қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

Мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланади. Уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Асосий қонунимизда кафолатлаб қўйилган ушбу тамоиллар амалда ўз ифодасини топиб келмоқда. Бу борда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, шаъни, қадр-қимматини ҳимоялаш тизимини яратилган. Бу орқали турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доимий эътибор қаратилмоқда.

Чунки ҳаётда шундай жиноий қилмишлар ҳам учрайдик, улар трансмиллий характер касб этиб, дунё халқларининг тинч ва осойишта ҳаётига таҳдид солади. Одам савдоси жинояти шулардан бири бўлиб, бугунги кунда бу жиноий қилмиш жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишлантираётгани ҳеч кимга сир эмас.

Бу жиноий қилмишнинг хавфлилиги шундаки, одам савдоси деганда, одамни олиш-сотиб, эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиб, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади. Ушбу тоифадаги жиноятларга қарши курашиш мақсадида мустақиллик йилларида юртимизда муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Айниқса, мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси шакллантирилди. Жумладан, республикамиз томонидан 2003 йил 30 августда "Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси" ҳамда 2003 йил 12 декабрда "Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан танфурушқидан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисида конвенция" ратификация қилинди.

2008 йил 17 апрелда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилингани ҳам бу бо-

рада муҳим қадам бўлди. Ушбу қонун меъёрларини ҳаётга самарали татбиқ этиш мақсадида 2008 йил 8 июлда Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши бу бордаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Шунингдек, мазкур қарор асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идора-лараро комиссияси фаолияти йўлга қўйилди.

Айтиш керакки, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинган, Жиноят кодексига одам савдоси учун жавобгарликни белгиловчи меъёрлар янада тақомиллаштирилди.

(Давоми учинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

Қ А Р О Р И

Судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Куйидаги асосларга кўра жиноий жавобгарликдан озод этилган шахс ҳам судланмаган ҳисобланади:

жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан (ЖК 64-моддаси);

қилмиш ёки шахс ижтимоий ҳавфлиликни йўқотганлиги муносабати билан (ЖК 65-моддаси);

айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан (ЖК 66-моддаси);

жиноят содир этган шахс жабранувчи билан ярашганлиги муносабати билан (ЖК 66-1-моддаси);

жиноят содир этган шахс касаллиги туфайли (ЖК 67-моддаси);

амнистия акти қўлланилганлиги муносабати билан (ЖК 68-моддаси).

3. Судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибатлари судланганлиги тугалланмаган ва олиб ташланмаган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолда келиб чиқади ва куйидагиларда ифодаланади:

судланганлик қатор ҳолларда жиноят квалификациясига таъсир этувчи, яъни жиноий жавобгарликни кучайтирувчи ҳолат ҳисобланади;

судланганлик муайян ҳолларда шахсни ўта ҳавфли рецидивист деб топилишига асос бўлади (ЖК 34-моддаси);

судланганлик, агар шахс муқаддам озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган бўлса, жазони ижро этиш колонияси турини белгилаш учун аҳамият касб этади (ЖК 50-моддаси);

судланганлик жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этилади (ЖК 56-моддаси);

илгари содир этилган жиноят учун жазо ўтаётган шахс томонидан янги жиноят содир этилган ҳолларда, ҳукмлар мажмуи бўйича жазо белгилашда судланганлик қаттиқроқ қоидалар қўлланилишига сабаб бўлади (ЖК 60-моддаси);

тугалланмаган ва олиб ташланмаган судланганлик ҳолатининг мавжудлиги айрим асослар бўйича, масалан, айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги (ЖК 66-моддаси), алоҳида ҳолларда эса (оғир ва ўта оғир жиноятлар учун судланганлик ҳолати мавжуд бўлганда), жиноят содир этган шахс жабранувчи билан ярашганлиги (ЖК 66-1-моддаси) муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилишига тўсқинлик қилади.

Судланганлик ҳолатининг жиноят-ҳуқуқий оқибати жазодан озод қилиш (ЖК 71-моддаси), шартли ҳукм қилиш (ЖК 72-моддаси), вояга етмаган шахсга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш (ЖК 87-моддаси) каби чораларни қўллаш учун моддий қонунда таъқиқ мавжудлигида ҳам намоён бўлади.

4. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, қонун судланганлик ҳолати барҳам топишининг фақат икки усулини — унинг тугалланиши ва олиб ташланишини назарда тутати (ЖК 77-моддаси тўртинчи қисми).

Судланганлик ҳолати тугалланиши шахснинг судланганлиги факти билан боғлиқ барча оқибатларнинг жазо тури ва муддатидан келиб чиққан ҳолда ЖК 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтганлиги натижасида автоматик тарзда (ўз-ўзидан) барҳам топишини англатади. Бундай ҳолларда судланганлиги тугалланган шахс, унинг вориси, қонуний вакили ёки адвокати илтимосига кўра ҳукм чиқарган суд томонидан судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги фактини тасдиқловчи маълумотно-

ма берилади. Бунинг учун манфаатдор шахс томонидан судга тақдим этилган ички ишлар органлари ахборот маркази маълумотномаси ва жазо ўталганлиги (ижро этилганлиги) фактини тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлади.

Судланганликнинг олиб ташланиши ундан келиб чиққан ҳуқуқий оқибатлар судланганлик ҳолати барҳам топиши учун қонунда белгиланган муддатлар ўтунига қадар суд қарорига асосан тугатилишини англатади. Судланганлик олиб ташланиши учун шахснинг жазони ўтаб чиққан кейинги бевуқсон хулқ-атвори (унга нисбатан маъмурий жазо ёки интизомий таъсир чораси қўлланилмаганлиги), жамоат бирлашмаси, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи, жамоа ёки шахснинг ўзи ЖК 79-моддасининг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган муддатлар ўтгандан сўнг берган илтимоснома си асос бўлиши мумкин. Қонун суд тартибидан ташқари амнистия акти ёки авф этиш орқали судланганликни олиб ташлаш имкониятини ҳам назарда тутати.

Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ва қонунда белгиланган тартибда олиб ташланиши жиноятлар мажмуи, тақоранлигини ва рецидив жиноятни истисно этувчи ҳолат ҳисобланади.

5. Судланганлик ҳолати тугалланган ёки олиб ташланган пайтдан бошлаб шахс судланмаган ҳисобланиб, ушбу шахс томонидан жиноят содир этилганлиги факти ва унинг учун судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар қатъиян ва сўзсиз бекор бўлади.

Судлар, судланганлик ҳолати олиб ташланишини шахсни реабилитация қилишидан фарқлашлари лозим. Шахс реабилитация қилинганда, давлат у жиноят содир этганликда хато айбдор деб топилганлигини тан олади. Судланганлик ҳолати олиб ташланганда шахс томонидан жиноят содир этилганлиги факти инкор этилмай, фақат жиноий жавобгарликка тортиш оқибатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

6. Жиноят кодекси 13-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, қилмишини жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳолининг бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга.

Шу муносабат билан, агар суриштирув, дастлабки тергов олиб борилаётган, иш судда қўрилаётган ёки шахс жазо ўтаётган даврда унинг томонидан содир этилган қилмиш жиноийлигини бекор қиладиган қонун қабул қилинса, бундай ҳолда шахс жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилинади ва қилмиш жиноийлигини бекор қилган қонун кучга кирган пайтдан судланмаган ҳисобланади. Мазкур қоида жазони ўтаб бўлган, бироқ судланганлик ҳолатида бўлган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

7. Қонунга мувофиқ судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатларини (ЖК 78, 80-моддалари) ҳисоблаш асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки синов муддати ўтиб бўлган кундан бошланади. Масалан, қамок, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш жазоларига қўшимча сифатида муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланган ҳолда, бу жазо қайд этилган асосий жазоларни ўташининг барча вақтига татбиқ этилиб, судланганлик ҳолати тугалланиши ёки олиб ташланиши муддатлари эса қўшимча жазо ўтаб бўлинган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

8. Жарима ёки ахлоқ туза-тиш иши жазосига ҳукм қилиниб, бошқа жазо турига алмаштирилган шахснинг судланганлик ҳолати тегишлича ЖК 78-моддасининг "г, д, е, ж" бандларида кўрсатилган муддат ўтиши билан тугалланади. Бундай ҳолда судланганлик ҳолати муддатининг тугаши ЖК 80-моддаси учинчи қисмига мувофиқ ЖК 44-моддасининг учинчи қисми ёки ЖК 46-моддасининг тўртинчи қисмига кўра белгиланган жазо тури ўталган кундан бошлаб ҳисобланади.

9. Жиноят кодекси 80-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган, шунингдек, жазоси енгилроқ билан алмаштирилган (ЖК 73, 74-моддалари) шахснинг судланганлик ҳолати тугалланиши масаласини ҳал этишда суд томонидан белгиланган жазо муддатидан эмас, балки озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган пайтга қадар амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиқиш лозим. Бунда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати озодликдан маҳрум қилиш жойларидан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсга нисбатан ЖК 73-моддаси қўлланилган пайтдан, жазоси енгилроғи билан алмаштирилган шахсга нисбатан эса — ЖК 74-моддасига мувофиқ белгиланган енгилроқ жазо ўталган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

Жиноят кодекси 80-моддасида белгиланган судланганлик ҳолати тугалланишини ҳисоблаш тартиби (амалда ўталган жазо муддатидан келиб чиққан ҳолда жазо ўтаб бўлинган ёки жазони ўташдан озод қилинган пайтдан бошлаб) енгилроқ жазони назарда тутувчи янги қонун нормасига асосан жазоси қисқартирилган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

10. Судлар шунга назарда тутишлари лозимки, ЖК 80-моддасининг тўртинчи қисми судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилганда судланганлик ҳолати тугалланишига оид қоидаларни белгилайди.

Жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолати муддати тугамай туриб яна жиноят содир этган ҳолларда, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддат тўхтатилади.

Судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилганда илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолати муддати шахс янги жиноят учун тайинланган жазони ўтаб бўлгандан сўнг янги ҳолда бўлмайди, судланганлик ҳолати ўтаётган даврда содир этилган янги жиноят учун тайинланган жазо оғирроқ бўлган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати янги жиноят учун тайинланган жазо муддатидан келиб чиқиб аниқланади.

11. Жиноят қонун мазмунига кўра, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати жазо билан, шу жумладан, бир неча жиноятлар учун (жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича) тайинланган жазо билан бевоқифа бўлиши мумкин. Шахсга жиноятлар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича (ЖК 59, 60-моддалари) жазо белгилашда барча қилмишларнинг оғирлигини инобатга олиб, узил-кесил жазо тайинланиши туфайли, бундай ҳолда судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати узил-кесил жазо тури ва муддатидан келиб чиқиб ҳисобланиши лозим. Айна пайтда, агар жиноят-

лар ёки ҳукмлар мажмуи бўйича суд томонидан ҳар хил турдаги, ҳар қайсиси алоҳида ижро этиладиган жазо (ЖК 61-моддасининг иккинчи қисми) тайинланган бўлса, судланганлик ҳолатининг тугалланиш муддати жазо тизимида (ЖК 43-моддаси) назарда тутилган оғирроқ жазо муддатидан келиб чиқиб ҳисобланади.

12. Жиноят-процессуал кодекси 544-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, судланганликнинг муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги илтимоснома судланганлик ҳолати мавжуд шахс, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакилининг ёхуд жамоат бирлашмаси ёки жамоа томонидан жазони ўтаб чиққан шахс яшаш жойидаги туман (шаҳар) судига берилиши мумкин.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш масаласини ҳал этишда, суд судланганлик ҳолати мавжуд шахснинг қонунга итоаткор турмуш тарзини тасдиқловчи ҳолатларни (ҳуқуқбузарлик мавжуд эмаслиги, жазо ўташдан озод қилинган кейинги хулқ-атвори, ишлаш ва яшаш жойидан ижобий тавсифномалар, ички ишлар органи ахборот маркази маълумотномаси мавжудлиги ва ҳ.к.) аниқлаши зарур.

Жиноят-процессуал кодекси 544-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ, судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисида тақорорий илтимоснома уни рад этиш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан бошлаб камида бир йил ўтгандан кейин берилиши мумкин.

Судланганликни муддатидан илгари олиб ташлаш тўғрисидаги ажрим чиқарган судга ва ички ишлар органларининг ахборот марказига юборилиши лозим.

13. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланиши муддатларини тўғри ҳисоблаш учун судланувчининг шахсига оид маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда, ишни судда қўриш учун тайинлаш чоғида судлар иш материалларида ички ишлар органларининг ахборот марказидан, шу жумладан судланувчининг туғилган ва доимий яшаш жойидан олинган маълумотномалар мавжудлигини текширишлари, судланувчига нисбатан муқаддам чиқарилган ҳукмлар, муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштириш ва ҳ.к.лар тўғрисидаги ажримларни таллаб қилиб олишлари ва синчиклаб ўрганиш чиқишлари лозим.

Судлар ҳукм чиқариш вақтида судланувчининг судланганлик ҳолатига оид маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Суд ҳукми тўғрисида"ги 2014 йил 23 майдаги қарорининг 15-бандида берилган тушунтиришларга риоя этган ҳолда тўғри акс эттиришлари лозим.

14. Оид судлов сифатини ошириш мақсадида, Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар судланганлик ҳолати тугалланиши ва олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиётини вақти-вақти билан умумлаштиришлари ва натижаси бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишга ҳамда иш ва материалларнинг синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона қўрилишини таъминлашга қаратилган чоралар қўришлари лозим.

Muloqot

Савол бering, жавоб берамиз

Савдо дўконидан микротўлқинли печ сотиб олган эдим. Аммо уйга олиб келиб ишлатиб кўрсам, унинг носоз эканлиги маълум бўлди. Бу ҳақда савдо дўкони ходимига мурожаат қилсам, улар бошқасига алмаштириб беришларини, фақат нарх-наво ўзгарганлиги учун мен қўшимча пул тўлашим лозимлигини айтишди. Шу тўғрими?

Элеонора АКБАРОВА,
Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани

— "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 17-моддасида сиз назарда тутаяётган, яъни истеъмолчи нархлардаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Ушбу модда талабига мувофиқ, нуқсонли товар айна шундай маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб берилган вақтда товарнинг нархи ўзгарган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

Нуқсонли товар бошқа маркали (моделли, артикулли) товарга алмаштириб бе-

риллаётганда, агар алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан паст бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқни қўшимча равишда тўлаши лозим, алмаштирилиши керак бўлган товар нархи унинг ўрнига берилаётган товар нархидан юқори бўлса, истеъмолчи нархлардаги фарқ қайтарилади. Бундай ҳисоб-китоб чоғида алмаштирилиши керак бўлган товар нархи ошган тақдирда, унинг талаб қўйилган пайтдаги нархи, нархи пасайган тақдирда эса, харид қилинган пайтдаги нархи қўлланилади.

Айтинг-чи, мамлакатимизда жиноят ишлари қайси тилда олиб борилади?

Шаҳзода ХУРРАМОВА,
Фаргона вилояти,
Қува тумани

— Жиноят-процессуал кодексининг "Жиноят ишлари юритиладиган тил" деб номланган 20-моддаси талабига кўра, жиноят ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Иш юритилаётган тилни билмайдиган ёки етарли даражада тушунмайдиган процесс иштирокчиларига ўз она тилида ёки ўзи билмайдиган бошқа тилда оғзаки ёки ёзма арз қилиш, кўрсатма ва тушунтиришлар бериш, илтимоснома ва ши-

коятлар билан мурожаат қилиш, судда сўзлаш ҳуқуқи таъминланади. Бундай ҳолларда, шунингдек, иш материаллари билан танишиш вақтида процесс иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда таржимон хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Айбланувчига, судланувчига ёки процессда иштирок этувчи бошқа шахсларга тақдим этилиши лозим бўлган тергов ва суд ҳужжатлари уларнинг она тилига ёки улар биладиган бошқа тилга таржима қилиб берилиши лозим.

Ипотека кредити оллоқчи эдим. Саволим шуки, қарз олувчи ипотека кредити олишда қандай харажатларни амалга ошириши керак?

Иброҳим ЭШМУРОДОВ,
Фаргона вилояти,
Олтиариқ тумани

— Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги қарори билан тасдиқланган "Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисида"ги низомнинг 21-бандига асосан, қарз олувчи ипотека кредити олиш учун буюртманома тақдим этганда банкнинг ипотека кредити олиш учун буюртманомаларни қабул қилиш бўйича масъул ходими мижозга ипотека кредитининг асосий йўналишлари бўйича изох беради. Шунингдек у мижознинг барча саволларига жавоб беради ҳамда унга ипотека кредити бериш юзасидан буюртманомани расмийлаштириш учун талаб этиладиган бар-

ча ҳужжатлар рўйхатини тақдим этади.

Шунингдек, мазкур низомнинг 22-банди талабига кўра, қарз олувчи ипотека кредити олиш учун банкка мурожаат қилгандан кейин банк қарз олувчининг ипотека кредити олиш жараёнидаги тахминий харажатлар турлари билан таништиради. Қарз олувчи ипотека кредити олишда куйидаги харажатларни амалга ошириши керак:

- ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тасдиқлаш учун давлат божи;
- гаровга қўйилган кўчмас мулкни суғурталаш билан боғлиқ харажатлар;
- мулк қийматини белгилаш бўйича баҳоловчи ташкилот хизматлари учун тўлов.

Айтинг-чи, агар жавобгар бир неча нафар бўлиб, улар турли вилоятларда истиқомат қилса, даъво ариза қайси судга тақдим этилади?

Нодира ИБРАГИМОВА,
Қашқадарё вилояти,
Дехқонобод тумани

— Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг "Даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тааллуқлилик" деб номланган 241-моддасидан Сизнинг саволингизга жавоб топиш мумкин.

Мазкур моддага мувофиқ, яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъво турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан даъво даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири яшайдиган ёки турган жойда тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлма-

ган жавобгарга нисбатан даъвогар Ўзбекистон Республикасида унинг мол-мулки турган жойда ёки маълум бўлган сўнгги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Шунингдек, турли жойларда яшовчи ёки турувчи бир неча жавобгарга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан даъво даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири яшайдиган ёки турган жойда тақдим этилади.

Саволларга жиноят ишлари бўйича Олмасов туман судининг судьяси Ҳамро Бердикликов жавоб бериб.

Олий суд раиси

Ш.ГАЗИЕВ

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Д.КАМИЛОВ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Суд ишларини юретишни опти- маллаштиришнинг махсус восита- ларига фуқаролик ишларини куриш ва ҳал этишни тезлаштириш ва сод- далаштиришга қаратилган махсус институтларни ташкил этиш ва жо- рий қилишни мисол қилиб кўрса- тиш мумкин. Жумладан, соддалаш- тирилган, буйруқ тартибда ва сиртдан иш юретиш, келиштирув- чи тартиб-таомилларни жорий этиш одатда, махсус воситалар си- фатида эътироф этилади.

Тахлиллар хозирги кунда дунё- нинг бир қатор ривожланган давлат- ларни конунчилигида фуқаролик суд ишларини юретишни оптималлаш- тиришнинг махсус воситаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганини кўр- сатмоқда. Хусусан, тарафлар- ни ўзаро муроасага келтирадиган, яраштирадиган, ишнинг хусусияти ва турига қараб махсус соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб-тао- милларни жорий этиш шулар жумласидандир.

Масалан, Германияда фуқа- ролик ишларини судда қисқа муддатларда ва адолат тамойи- лига риоя этган ҳолда кўриш ва ҳал этиш суд ишларини ҳал этишнинг соддалаштирилган ва жадаллаштирилган тартиб- таомилларини жорий этиш ор- қали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам ушбу давлат конунчилигида фуқаролик ишлари бўйича суд жа- раёнини соддалаштириш юзасидан бир неча марта жиддий ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижаси- да "Соддалаштириш, жадаллашти- риш ва судьялар юктамалари бўй- ыча конунлар тўплами" деб номланган махсус конунлар қабул қилинди.

Фуқаролик суд ишларини юри- тишни оптималлаштиришнинг мах- сус воситалари ичидан фуқаролик ишнинг хусусияти ва турига қараб махсус соддалаштирилган ва жадал- лаштирилган тартиб-таомилларни жорий этиш муҳим ўрин тутди.

Масалан, Германияда фуқаролик процессида соддалаштирилган тар- тибда суд ишларини юретиш куй- дагиларда намойён бўлади:

- суд буйруқлари, яъни "мажбур қиладиган" иш юретиш (Mahnverfahren);
- хужжатли (документар) иш юри- тиш (Urkundenprozess);
- келиштирувчи судларда — ашс- герихтханда иш юретиш (Verfahren von den Amtsgerichte).

Шу ўринда "мажбур қиладиган иш юретиш"нинг айрим жиҳатларига тўхталладиган бўлсак, ушбу суд иш- ларини юретишнинг асосий вази- фаси судда ишни кўрмасдан туриб, ижро ҳужжатини олиш ҳисобланади.

Бундай иш юретишнинг асосий шар- ти — қарздор томонидан зиммаси- даги мажбуриятнинг белгиланган муддатларда бажарилмаслигидир. Бу ўринда конун қарздорнинг ҳу- қуқларини ҳам ҳимоя қилишни на- зарда тутди. Хусусан, қарздор иш- ни одатдаги тартиб-таомиллар асо- сида кўрилишни талаб қилиши ва ушбу жараёнда ўз эътирозларини билдириш ҳуқуқига эга бўлади. Шунинг учун ҳам мажбур қиладиган иш юретиш судда иш кўришдан ав- валги босқич ҳисобланади.

Талабнинг суммасидан қатъи на- зар, аризалар ундирувчининг яшаш жойидаги судга тақдим этилади. Икки ҳафта ичидан қарздор қарзни тўлаши ёки ўз эътирозларини тақ- дим этиши шарт. Агар шу муддатда

Шу тариқа суд амалиётига "суд- ловга қадар баённома" ("preaction protocol") атамаси кириб келди. Мазкур баённомада келгусида бўла- диган суд процесси ҳақида тараф- ларни хабардор қилиш билан бир- га, уларнинг бир-бирлари ҳақида маълумотлар олишга қаратилган ҳаракатларини ҳам қайд этиш бел- гилаб қўйилди.

Баённоманинг мақсади, аввалом- бор, келажакда бўлиши кутилаётган суд процессида иштирок этувчи шахслар, асосан, даъвогар ва жавоб- гарни бир-бирлари ҳақида ҳамда ишдаги далиллар тўғрисида олдидан ва тўлиқ маълумотлар билан таъ- минлашдан иборат. Шунингдек, та- рафларга суд процесси бошлангун- га қадар ўзаро келишув битими ту-

вобгарнинг пул мажбуриятларини тасдиқловчи ва (ёки) шартнома бўйича унинг қарздорлигини тас- диқловчи ҳужжатларга асосланган даъво аризалари бўйича ҳам сод- далаштирилган иш юретиш тарти- бини жорий этиш ва ушбу масала- ларни тартибга солувчи нормалар- ни миллий конунчиликка киритиш тақриф қилинади.

Мамлакатимиз Фуқаролик про- цессуал кодексининг 97 ва 152-мо- даларига айрим тоифадаги, маса- лан, меҳнат, оила, уй-жой, меросга оид ишларни судга қадар ҳал қи- лишнинг мажбурий тартиб-таомил- ларини ва унга амал қилмаслик оқи- батларини назарда тутувчи норма- ларни киритиш лозим, деб ҳи- соблаймиз. Бу, шубҳасиз, манфаат- дор шахсларнинг ҳуқуқ ва кону- ний манфаатларини ўзаро кели- шув йўли билан ҳал этиш, судларда ишларни қисқа му- ддатда ва сифатли кўриб чиқи- лишини таъминлаш, судья- ларнинг иш юктамаларини ка- майтириш ва айникса, тараф- лар ўртасидаги низоларни ҳал этишда ўзини ўзи бошқариш органлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ролини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари Фуқаролик процессуал кодексига турдош (предметли) судловлилик қои- далари киритилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Хусусан, қан- дай тоифадаги ишлар биринчи ин- станция судларида, қайси ишлар юқори инстанция судларида кўри- лиши ушбу тоифадаги ишларнинг предмети, мазмуни ва унда ишти- рок этаятган шахслар таркибига қараб белгиланиши ҳақидаги қоида- ларни ушбу кодексга киритишни тақриф этамиз.

Фуқаролик процессуал кодексига суд қарорлари қайта кўрилишида адвокат иштироки мажбурийлиги ҳақидаги нормани ҳам киритиш за- рур. Бу юқори инстанция судларида тортишувчанликни, ишда иштирок этувчи шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатишни таъминлайди, судлар томонидан одил судловнинг амалга оширишга кўмаклашади.

Хулоса ўрнида айтганда, хозирги кунда мамлакатимизда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш билан бир қа- торда, фуқаролик суд ишларини юретишни ҳам оптималлаштириш, унинг шакл ва воситаларини тадқиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобла- нади. Тавсия этилаётган бу каби тақлифлар ушбу соҳадаги эзгу иш- ларнинг изчил ривожига кўмакла- шади, деб ўйлаймиз.

Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

Mezon

Ер участкалари танлов асосида берилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қарор асосида 2016 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга тадбир- корлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкалари фақат танлов асосида берила- ди. Аҳоли пунктларида жой- лашган бундай ернинг майдони 1 гектаргача ва 1 гектар эғиб белгиланди. Танлов асо- сида бериладиган ер участка- ларининг рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазир- лар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан шакллантирилади.

Қарор билан "Юридик ва жисмоний шахсларга тадбир- корлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойда- ланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисида" ҳамда "Танлов асо- сида берилган ер участкала- ридаги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рұхсат- нома бериш, шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғри- сида"ни низоомлар тасдиқланди.

Танлов асосида берилди- ган ер участкалари рўйхатини шакллантиришда улардан фойдаланишнинг мақсади, уларнинг майдони ва жойлаш- ган жойи кўрсатилади. Бу ер- дан оқилона, мақсадли фой- даланишни таъминлаб, уни ҳақиқий эгасига беришни ка- фолатлайди.

Қорақалпоғистон Республи- каси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри архитектура ва қурилиш бoш бошқармала- ри ҳар йили 1 апрелгача ва 1 октябргача бўлган муддатда ер участкалари бериш бўйи- ча материалларни тайёрлай- ди ва уларни ваколатли таш- килотлар билан келишади.

Ер участкаси бериш бўйи- ча материалларни ваколатли туман (шаҳар) органлари ва бошқа шахслар билан кели- шиш 10 иш кунини мoбайнида амалга оширилади. Ер участ- калари бериш бўйича мате- риалларни келишишда вако- латли ташкилотлар томонидан қўшимча ҳужжатлар тақдим этишига доир талабларни бел- гилаш тақиқланади.

Ер участкалари бўйича тан- лов ҳақида дастлаб оммавий ахборот воситаларида эълон берилди. Танловга талабгор- лардан тақлифлар ва зарур ҳужжатлар қабул қилинади. Унда ер участкасида қурилади- ган объектнинг фасадларини ва бош режасини ўз ичига олувчи лойиҳа эскизи, ишлаб чиқариш мўлжалланаётган махсулот тури, ҳажми ва асо- сортиментни ёки кўрсатиллади- ган хизматлар тури бўйича тақ- лифлар бўлиши шарт. Талаб- гор лойиҳани ўз маблагига ёки кредит ресурслари ҳисобига молиялаштиришга оид маълумотларни ҳам тақдим эти- ши керак. Тушган тақлифлар тегишли комиссия томонидан кўриб чиқилади ва баҳолана- ди. Бунда танлов комиссияси танлов ўтказиш жараёнини назорат қилиш, талабларнинг билигини ва танлов натижа- лари бўйича қарорлар қабул қилишнинг ҳолисоналигини таъминлашга масъулдир.

Хулоса қилиб айтганда, кел- гуси йилдан бошлаб ишби- лармонлар тадбиркорлик фа- олияти юретиш учун ўзи ер қидириб юришига ҳожат қол- майди. Барча ҳудудлардаги аҳоли пунктларида фойдала- нилмаётган ер участкаларига оид маълумотлар матбуотда эълон қилиб бoрилади. Энди тадбиркор ўзига мақбул ер участкасини танлаб, уни олиш учун танловда иштирок этади. Бу кулайлик бизнес субъект- лари янада кўпайиши ва ри- вожланишига, пировардида иқтисодиётимиз тараққиёти- га, аҳоли турмуш фаровонли- гининг янада ошишига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
УЗА мухбири

Инсон ўз умрини хайрли ва эзгу ишларга бағишлаган, ҳалол меҳнат эвазига кун кечирган тақдирдагина ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлади. Аксинча, эгрликни ўзига касб қилиб олган, ўзгалар ҳақида кўз олайтиришдан заррача истиҳола қилмайдиган кимсалар кун келиб, афсус-надомат чекибгина қолмай, қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришади.

Jinoyat va jazo

Фош бўлган фириб

ёхуд сохта дилернинг кирдикорлари

Масалан, Аббос Ор- зиев (исм-шарифлар суд очерки до- бакиликдан тап тор- т- узгартирилади) ҳам қинғирлик кўчасига бош суққан кезлар- да мўмай даромад топаётган- нидан ўзида йўқ қувонганди. Бирок қилмиш-қидирмиш де- ганларидек, охир-оқибат у ўз қилмишлари учун қонун олди- да жавоб берди.

Гап шундаки, яқинда Аббос Орзиев бошчилигидаги уюш- ган жиноий гуруҳ қилмишларига чек қўйилди. Текин бой- лиқ ортиртириш илнжиди ал-

дов, сохтакорлик, қал- зиев (исм-шарифлар суд очерки бакиликдан тап тор- т- шерикларига вазифаларни тақсимлаб берган.

У уюшган жиноий гуруҳга Жамшид Сафаров, Очил Жу- маев каби кимсаларни жалб қилган. Бу кимса гарчи бир- он-бир автосалонда фаоли- ят юритмасда-да, ўзини ҳам- мага "GM Uzbekistan" қўшма корхонасининг расмий диле- ри деб таништирган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Maslahat

Умумий мол-мулк

у қандай тартибда тақсимланади?

Амалдаги Оила кодекси- нинг 27-моддасида эр ва хо- тиннинг умумий мол-мулкнини бўлиш ҳақида сўз юритилган.

Унга кўра, эр ва хотиннинг умумий мол-мулкнини бўлиш эр ва хотиндан биринчи та- лабига кўра, улар никоҳда бўлган даврда ҳам, никоҳдан ажралишгандан кейин ҳам, шунингдек, кредитор эр ва хо- тиндан биринчи умумий мол- мулкдаги улушига ундирувчи қаратиш учун умумий мол-мулк-

кни бўлиш талаби билан арз қилган ҳолларда амалга оши-рилиши мумкин.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни эр ва хотин ўрта- сида ўзаро келишув асосида бўлиб олиниши мумкин. Эр ва хотиннинг хоҳиши билан уларнинг умумий мол- мулкни бўлиш тўғрисидаги ўзаро келишувни нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин.

Низо тузилган ҳолларда эр

ва хотиннинг умумий мол-мулк- ни бўлиш, шунингдек, эр ва хотиннинг бу мол-мулкдаги улушини аниқлаш суд тарти- бида амалга оширилади.

Умумий мол-мулкни бў- лишда суд эр ва хотиннинг ҳар бирига мулкнинг қайси қисми бeрилиши лoзимлигини аниқлайди. Эр (хотин)га унга қарашли улۇшдан ошқ қийматга эга бўлган мол-мулк бeриладиган ҳолларда, хотин (эр)га тегишли пул ёки ўзга

компенсация белгиланиши мумкин.

Оилавий муносабатлар ту- гатилганда, суд эр ва хотин алоҳида яшаган даврда ор- тирган мол-мулкни улардан ҳар бирининг ўз мулкки деб топиши мумкин.

Воёга етмаган болалар эҳ- тиёжини қондириш учун олин- ган буюмлар (кийим-бош, пойабзал, мактаб ва спорт жиҳозлари, мусиқа асбобла- ри, болалар кутубхонаси ва бошқалар) бўлинмайди ҳамда болалар эр ва хотиндан қайси бири билан яшаса, унга ком- пенсациясиз бeрилади.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни ҳисобидан ўртада- ги воёга етмаган болалар но- миға қўйилган омонатлар уша болаларга тегишли ҳисоб-

ланиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш пайтида эътиборга олинмайди.

Эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни улар никоҳда тур- ган даврда бўлинган тақдир- да, эр ва хотин мол-мулкнинг бўлинмай қолган қисми, шу- нингдек, эр ва хотин томони- дан улар никоҳда турган давр- да орттирилган мол-мулк кей- инчалик уларнинг биргалик- даги умумий мулкни ташкил қилади.

Никоҳдан ажралган эр ва хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги талабларига нисбатан у йиллик даъ- во мuddати кўлланилади.

Абдор МУСАЕВ,
Олий суд Харбий хайъати катта инспектори

Saboq

Инсон шаъни ва қадр-қиммати муқаддас

унга дахл қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

бeришни илтимос қилади.

Айни шу суҳбатдан сўнг кўп ўтмай, яъни жорий йилнинг феврал ойи бошларида Гўзал Маржонага кўнғироқ қилади ва Самира деган таниши орқали унга иш топганини айтади. Фақат бу иш хо- рижда бўлиб, у ердаги савдо дўко- нига келган аёлларга турли ўлчам- даги кийимларни кийиб кўрсатиш ҳамда реклама қилиш керак экан. Бошқа шартларни эса, қўқонга келиб, Самира оpanнинг ўзи билан гаплашиб олиш лозим.

Шундан сўнг Маржона Самира Розикованин Кўқон шаҳридаги хо- надонига кeлади.

— Гўзал ҳаммасини айтмабди сизга, — дея муғомбирона гап бошла- йди С.Розикова салом-алиқдан сўнг. — Кийим-кечакларни реклама қилишдан ташқари ўзингиз хоҳлаган-нингизни танлаб киясиз...

Хуллас, Маржона чет элга бо-

ришга рози бўлади ва бунга она- си Шаҳзода оpanи ҳам кўндиради.

Шаҳзода Юсупова қизига рози- лик бeришга бeради-ю, аммо кўнгли алланамидан ғаш тортади. Шу боис у Маржонага сездирмай, Гўзал билан гаплашади. Ана шу пайтда Гўзалнинг виждони қийнал- дими ёки онаси тенги аёлга раҳ- ми кeлдими, ҳар ҳолда Шаҳзода опага рoстини гапирди. Яъни Самира ва унинг шериги Гуллола Қосимова Маржонани алдаб, фоҳи- шалик билан шугулланиш учун хо- рижда жўнатмоқчи эканини айта- ди.

Шундан сўнг опаизор бу хусусда тегишли идорага ариза билан му- рожаат қилди. Олиб бoрилган тез- қор саъй-ҳаракатлар туфайли С.Розикова ва Г.Қосимова М.Нор- мирзаевани қўшни республика ор- қали хорижда жўнатиш учун олиб кетишayтганда Тошкент шаҳрига

E'tirof

Тил — миллатнинг ўзлиги



(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Интернет тармоғида ўзбек тилидаги сайтларнинг кўпайиб бораётгани, улардан дунёнинг турли нуқталарида миллионлаб одамлар фойдаланаётгани тилимизнинг халқро миқёсдаги мавқеи юксалиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбек тилининг бой имкониятлари бугунги кунда тилшунос ва адабиётшуносларимиз томонидан чуқур ўрганилмоқда. Хусусан, мумтоз адабиётимизга оид тадқиқотлар кўлами кенгайди. Алишер Навоийнинг ўн ва йигирма жилдик мукамал асарлар тўплами китобхоналарга муносиб тўхта бўлди.

Ўтган даврда ўзбек тилининг кўлланиш доираси изчил кенгайганини кузатиш мумкин. Хусусан, тилимизнинг ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер ва интернет, аниқ фанлар, тиббиёт, иқтисодиёт ва бошқа махсус атама ва тушунча-

ларни талаб қиладиган соҳаларда ҳам кенг қўллана бошлагани унинг имкониятлари катта эканини кўрсатади.

Ҳар йили 21 октябрни юртимизда ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун сифатида кенг нишонлаш аънаёна айланган. Ушбу санага бағишланган тадбирларда "Давлат тили ҳақида" — ги қонуннинг ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар атрофли таҳлил этилади.

Шу муносабат билан халқ таълими, ўрта махсус касбхуна таълими муассасаларида, олий ўқув юртиларида "Тилга эътибор — элга эътибор", "Она тили — давлат тили", "Одоб боши — тил" каби мавзуларда турли тадбирлар, илмий конференциялар ўтказиб келинмоқда.

Айниқса, Халқ таълими вазирилик томонидан октябр ойида юртимиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларида ўзбек тили ва ада-

биёти бўйича фан ойлиги ўтказилаётгани ёшларда тилимизга бўлган ҳурматни юксалтириш, уларнинг маънавий фанга оид билим ва кўникмаларини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, "Давлат тили ҳақида" ги қонуннинг 20-моддасида: "Лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўрғазмалар ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилади ва эълон қилинади ҳамда бошқа тилларда таржимаси берилиши мумкин" дея қайд этилган.

Айтиш жоизки, телевидение, радио, матбуот нашрлари, кино тилининг асосий тарғиботчилари саналади. Бинобарин, суҳандонлар, бошловчилар, режиссёрлар, актёрлар ва бошқа тегишли соҳа вакиллари ўзбек тилига ҳурмат билан ёндашиши, адабий тил меъёрларига риоя этишлари шарт. Бу хусусий каналлардаги айрим радио ва телебошловчилар-

га ҳам тааллуқли.

Тилимизда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни, ўз мазмун-моҳияти бор. Сўзнинг маъно нозикликларини англаш, тилинг ички имкониятларидан оқилона фойдалана олиш ҳам санъат. Афсуски, баъзи ҳолларда матбуот нашрларида ҳам тил меъёрлари бузилаётган, айрим атамаларнинг ўзбекчона шакли мавжуд бўлгани ҳолда бошқа тиллардаги муқобилидан фойдаланилаётган ҳолатлар учрамоқда.

Қонуннинг 22-моддасида географик объектларнинг номлари давлат тилида акс эттирилиши белгиланган. Ушбу мақсадда жойларда топономик объектларга ном қўйиш комиссиялари қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

Айрим ҳолларда кўча-кўйда хорижий тиллардаги ёки имловий хато билан битилган пешлавларнинг учраётгани бу борадаги ишлар қамровини янада кенгай-

тириш зарурлигини кўрсатади. Тегишли мутасаддилар хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этаётган юридик ва жисмоний шахсларга лицензия беришда объектлар номига алоҳида диққат қаратиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Улуғ аждоқларимиз тилимиз равнақи, унинг кадр-қиммати учун доимо курашган. Алишер Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида тилимизнинг нақадар бой ва серқирра, нафис ва сержило эканини, ҳеч бир тилдан кам эмаслигини исботлаган. Ана шундай бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни бойитиш, нуфузини янада ошириш ҳар биримизга катта масъулият юклайди.

Зеро, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрғида юрғида, она тилига муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Ўз навбатида, томирида миллий гурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади.

Мухтасар айтганда, барча қонунлар каби "Давлат тили ҳақида" ги қонун ижросига ҳам фақат назорат қилувчи органлар эмас, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаро масъул. Она тилимизни кадрлаш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний зийнатимиз, фуқаролик бурчимиздир. Нега деганда, тил — миллатимиз фахри, гурури. Айни пайтда орзу-умидларимиз, мақсад-интилишларимиз буй кўрсатадиган кўзгу ҳамдир. Тил бор экан, миллат барҳаёт, унинг истиқболи нурли ва чароғондир.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Garoyib olam

Маълумки, инсоният тарихида рўй берган урушлар кўплаб вайронагарчиликлар ва ўн минглаб кишиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига олиб келган. Шунингдек, инсон ҳаётига таҳдид соладиган яна бир хавф — табиатда содир бўладиган табиий офатлар ҳам кўплаб кишиларнинг ҳаётига зомин бўлган.

Қуйида дунё миқёсида рўй берган табиий офатлар ва уларнинг инсоният ҳаётига таъсири ҳақида фикр юритамиз.

Биз билган ва билмаган дунё

ЭНГ ХАТАРЛИ ТАБИЙ ОФАТЛАР



Маълумки, 1902 йилнинг 8 майида бир неча йилдан буён тинч ётган "Мон-Пеле" вулканининг кутилмаганда ларзага келиши Мартиника ороли аҳолисини қаттиқ саросимага солиб қўйди. Аҳолининг бундай қаттиқ хавотирга тушиши бежизга эмасди, албатта. Нега деганда, 1397 метр баланликка кўтарилган бу табиий офатни шунчаки вулкан уйғониши, деб бўлмади: олов оқими ва тош парчалари кўз очиб юмгунча Мартиника оролининг асосий бандаргоҳи "Сен-Пьер"ни вайронага айлантириб ташлади. Энг ёмони, ушбу табиий офат натижасида бор-йўғи бир неча дақиқа ичида 36 минг нафар киши қурбон бўлди.

Дунё миқёсидаги энг хатарли табиий офатлар ҳақида сўз борганда, 1931 йил Хитойда рўй берган сув тошқини ҳам тилга олинди. Тарихчилар буни бежизга инсоният тарихидаги энг йирик табиий офат, деб атамаган. Холбуки, ушбу дахшатли сув тошқини деярли 4 миллион инсонни бевақт ҳаётдан олиб кетган.

Тарихдан "Уаскаран кўчки-си" деб ном олган табиий офат ҳам ўз вақтида кўплаб қурбонларга сабаб бўлган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 1970 йил Перу соҳилида юз

да жойлашган оролларга келиб урилган тошқин — "Бхо-ла цилони" эса, ярим миллион нафар инсоннинг умрига зомин бўлди.

Бу ҳам майли, 1972 йил Эронда содир бўлган дахшатли қор бўрони нақд бир ҳафта давом этганига нима дейсиз? Бу табиий офат натижасида қишлоқ жойлари уч метр баланликдаги қор билан қопланади. Айрим қишлоқлар эса, бутунлай қор остида қолиб кетади. Оқибатда 4 минг киши ҳаётдан бевақт кўз юмади.

"Таньшань" зилзиласи ҳақида эшитмаган киши бўлмаса керак. Бу табиий офатнинг ваҳимаси ҳозир ҳам юракка қўрқув солади. Чунки 1976 йил Хитойнинг Таньшань шаҳрида тунги соат тўртларда 22 километр чуқурликда кучли зилзила юз бериши натижасида бутун шаҳар ер билан яқсон бўлган, 655 минг нафар аҳолидан бирор бир киши тирик қолмаган.

Баъзан ҳаётда қаттиқроқ шомол турса, киши беҳтиёр қўрқувга тушиб қолади. Аммо дунёда катта тезликда ҳаракатланувчи куюнлар ҳам кўплаб учрайди. Масалан, 1989 йил 26 апрелда Даулат-қурбонларга сабаб бўлган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 1970 йил Перу соҳилида юз



берган зилзила оқибатида икки ўрқачли Уаскаран тоғининг шимолий қисми ўпирилиб тушади. Оқибатда муз ва тошлардан иборат улкан кўчки соатига 180 миля тезликда пастга томон шўнғиб, тоғ этагида жойлашган Юнгау шаҳрини тўлиқ босиб қолади. Яъни ушбу шаҳар 80 миллион куб метр лой, муз ва қор остида қолди. Энг дахшатлиси, шаҳарнинг 25 минг нафар аҳолисида бирон киши омон қолмади.

Бундан ташқари айнан шу йил Ганга дельтасидаги ороллар ҳам табиий офатдан қаттиқ азият чекади. Аслида, ушбу тропик циклон азалдан инсоният тарихидаги энг ҳалокатли табиий офатлардан бири сифатида эътироф этиб келинади.

Уша йили Ганга дельтаси-

лиги 1,5 километрдан ортиқ бўлган ушбу куюн шу қадар шимолли қисми ўпирилиб тушади. Оқибатда муз ва тошлардан иборат улкан кўчки соатига 180 миля тезликда пастга томон шўнғиб, тоғ этагида жойлашган Юнгау шаҳрини тўлиқ босиб қолади. Яъни ушбу шаҳар 80 миллион куб метр лой, муз ва қор остида қолди. Энг дахшатлиси, шаҳарнинг 25 минг нафар аҳолисида бирон киши омон қолмади.

Бундан ташқари айнан шу йил Ганга дельтасидаги ороллар ҳам табиий офатдан қаттиқ азият чекади. Аслида, ушбу тропик циклон азалдан инсоният тарихидаги энг ҳалокатли табиий офатлардан бири сифатида эътироф этиб келинади.

Хориж материаллари асосида Бобур ЗОХИДЖОНОВ тайёрлади.

(Давоми. Бошланиш учинчи бетда)

Гуруҳ аъзолари Жамшид Сафаров, Очил Жумаевлар ҳам А.Орзиевни содда ва ишонувчан одамларга расмий дилер, енгил автомашиналарни автосалонлардан навбатсиз олиб бериш кўлидан келади, дея мақташади. Бундан кўзланган мақсад — ишонувчан одамларни чуқ тушириб, катта миқдордаги маблағларни кўлга киритиш бўлган.

Шу ўринда жиноят тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, А.Орзиев ўтган йилнинг 11 июль кунини Тошкент шаҳрига келиб, Сергели туманида И.Шерматов билан учрашади. У суҳбат жараёнида ўзини "GM Uzbekistan" кўшма корхонасининг расмий дилери дея таништиради. Шунингдек, икки йил давомида кўплаб одамларга турли русумдаги автомашиналарни навбатсиз олиб берганини айтиб, суҳбатдошнинг ишончини қозонади. Кейин эса, А.Орзиев И.Шерматовга (Ж.Тўйлиев ва Ф.Қобилов учун) икки дон "Нексия-2" русумли автомашина олиб беришни ваъда қилади ва унинг 22 минг АҚШ долларини кўлга киритади.

Фирибгар А.Орзиев жиноий ҳаракатларини давом эттириб, жиноий шерги О.Жумаев орқали Г.Қосимовдан бир дон "Matiz-best" русумли автомашина учун 8 минг АҚШ долларини, Ж.Сафаров орқали К.Раҳимовдан "Дамас" русумли автомашина учун 9 минг 700 АҚШ долларини қуртдек санаб олади. Фирибгарлар қисқа муддатда 17 дон турли русумдаги автомашиналар учун 369 миллион 461 минг 957 сўм миқдоридagi маблағни кўлга киритиб, уюшган жиноий гуруҳ манфаатлари учун сарфлаб юборишади.

Бахтиёр Самарқанд туманидаги автомашиналар бозорига олди-сотди билан шуғулланиб юрарди. У кунларнинг бирида Алишер исмли йигит билан танишиб қолади. Алишер Бахтиёрга бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш билан шуғулланишини, бундан ташқари танишлари орқали автосалонлардан турли русумли автомашиналарни қисқа муддат ичида чиқариб бериши мумкинлигини айтиди. Янги танишининг уздабуронлигини кўриб, Бахтиёр хурсанд бўлади. Чунки унинг ақли бир таниши автомашина сотиб олиш ниятида юрган эди. Шу боис у иш қанчалик тез битса, ўзимга ҳам яхшигина даромад қолади, деган фикрда Алишер билан тезда орада апок-чапоқ бўлиб кетади.

Бахтиёр Наимов ўтган йил июнь ойи

бошларида жияни А.Ҳасанов ва дўсти И.Дамировларнинг номидан Алишер Хайруллаевга иккита "Дамас" русумли автомашина учун 22 минг АҚШ доллари миқдорда пул беради. Шунингдек, орадан кўп ўтмай, яъни 15 июль кунини у яна таниши С.Алиев номидан Алишерга саккиз дон "Дамас" учун 88 минг АҚШ долларини кўшқўллаб тутқади. Алишер соддалик ва ишонувчан одамларни лақиллатишнинг ҳадисини шу даражада ўзлаштирган эдики, у шубҳа туғдирмаслик учун уларнинг паспорт нухаси ва бошқа зарур

Jinoyat va jazo

Фош бўлган фириб

ёхуд сохта дилернинг қирдикорлари

ҳужжатларини ҳам сўраб олади.

Қисқаси, А.Хайруллаев ўн беш-йигирма кун ичида ўнта "Дамас" русумли автомашинани автосалондан чиқариб беришни ваъда қилиб, Бахтиёрдан жами 110 минг АҚШ доллари миқдоридagi пулни санаб олганди. Бироқ орадан бир неча ойлар ўтса-да, ваъда қилинган автомашиналардан дарак бўлмади. Шу боис, пул берганлар Бахтиёрга, Бахтиёр эса, Алишерга учрашиб, машинани ёки пулни қайтаришни талаб қила бошлади.

Шундай кунларнинг бирида Алишер Бахтиёрни Аббос билан таништиради ва автомашиналарни Аббос Орзиев олиб келиб беришини айтиди. Ўз навбатида, А.Орзиев Бахтиёрга қуюқ ваъда беради ва телефон рақамини қолдиради. Бироқ ҳолва деган билан оғиз чучимас, деганларидек, бу ваъдалардан ҳеч қандай наф чикмайди.

Айтиш керакки, А.Орзиев бошчилигидаги уюшган жиноий гуруҳнинг қилмишлари фақат юқорида баён этилганлардан иборат эмас. Жиноий гуруҳ аъзолари Бекзод Расуловни ҳам автомашина олиб берамиз, дея "чув" туширишади. А.Орзиев унинг ишончини қиради ва "Дамас" русумли автомашина учун 10 минг 200 АҚШ доллари, паспорт нухаси ва солиқ инспекциясида ИНН маълумотомаси керак бўлишини, пулни автосалонга тўлаб, бир ой ичида автомашинани чиқариб беришга ваъда беради.

Бекзод унинг ваъдаларига чипачин ишонади ва Мунира Зайниева ҳамда Фотима Сиддиқова номидан ик-

кита "Дамас" русумли автомашина учун 49 миллион 7 минг 760 сўм, эртаси кунини эса, Муҳиддин Нишонов номидан бир дон "Дамас" учун 23 миллион 965 минг 760 сўм, жами 72 миллион 973 минг 520 сўм пулни фирибгарларнинг кўлига топширади.

Орадан кўп ўтмай фирибгарлар Б.Расуловга қўнғорқ қилиб, Самарқанд шаҳрида учрашишга таклиф қилишади. Фирибгарлар Б.Расуловни алдаб, яна кўйинини пўч ёнғоққа тўлдирини ўйлашганди.

Улар учрашишгач, фирибгарлар

Б.Расуловнинг кўлига 2014 йил 5 август санаси билан Мунира Зайниева ва ОАО "Андижон автотеххизмат" ўртасида тузилган 1-110-2014, 023489 сонли, 2014 йил 1 июль санаси билан Фотима Сиддиқова ва ОАО "Андижон автотеххизмат" ўртасида тузилган 1-110-2014, 023255 сонли шартномаларни ҳамда М.Зайниева ва Ф.Сиддиқоваларнинг ҳар бири номидан 26 миллион 782 минг сўмдан банкка пул тўланганиги ҳақидаги тўлов патталарини тутқади. Буёғини сўрасангиз, бу шартнома ва тўлов патталари компьютер ускунаси ёрдамида тайёрланиб, уларга муҳр ва имзола қалбақиллаштириш йўли билан қўйилган эди.

Бундан ташқари бу шартнома ва патталарнинг сохта эканлиги Самарқанд шаҳар ИИБ ЭКБнинг судга оид техника-криминалистика экспертиза хулосасида ҳам тўлиқ тасдиғини топди.

Хуллас, уюшган жиноий гуруҳнинг қирдикорлари узоққа чўзилмади, охир-оқибат ўзининг чиркин манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай диган бу кимсалар қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришди.

Кишини таажубга соладиган томони шундаки, А.Орзиев ва унинг ҳамтовоклари Ж.Сафаров, О.Жумаев бирон-бир жойда муқим ишламаган. Бошқача айтганда, пешона тери тўкиб, халол меҳнат қилишга бўйни ёр бермаган бу кимсалар ўзгаларни алдаб, осон йўл билан кун кечирини одат қилиб олишган. Бундан ташқари А.Орзиев 2010 йил 17 февралда суд томонидан Жиноят кодексининг 168-

моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилди, олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Фақат 2012 йил 5 декабрдаги суд ажрими билан унга тайинланган жазонинг уч йил икки ой ўн саккиз кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Аслида А.Орзиевга бағрикенглик, муруват кўрсатилиб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олиши учун имконият берилган эди. Аммо халқимизнинг "Буқрини гўр тўғрилор" деган нақли рост экан. Аббос Орзиев Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми "а", "в" бандлари, 227-моддаси 2-қисми "а" банди, 228-моддаси 2-қисми "а", "б" бандларида назарда тутилган қатор жиноятларни содир этиб, яна суднинг қора курсисига ўтирди. Суд унга нисбатан бу гал ўқолиш учун қатъий муддат — тўққиз йилга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарди.

Шунингдек, суд томонидан Ж.Сафаров, О.Жумаевга ҳам қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди. Суднинг ҳукмида етказилган моддий зарарнинг қопланмаган қисми судланувчилардан ундирилиши қайд этилди.

Шу ўринда ушбу мақолага яқун яса-сак ҳам бўларди. Бироқ юқорида баён этилган воқеаларни мулоҳаза қилган ҳар бир ўқувчининг кўнглида бир қатор саволлар туғилмай қолмайди. Яъни бу фирибгарлик жиноятларининг содир этилишида жабрланувчилар, яъни автомашина сотиб олиш учун маблағини ўзлари танимаган-билмаган кимсаларга қўшқўллаб тутқазганларнинг ҳам айби йўқ, деб бўлмайди.

Аввало, улар автомашина сотиб олишнинг қонуний талабларига амал қилмай фирибгарларнинг алдовига оппа-осон ишонишган. Шу маънода қонунни айланчи ўтишга уриниш уларнинг ўзига қимматга тушиши билан бирга уюшган жиноий гуруҳ ўзининг чиркин мақсадига етишига шароит яратиб берган. Мамлакатимизда фуқаролар учун автомашина харид қилишнинг қонуний тартиб-таомиллари яратилган.

Хулоса ўрнида айтганда, биз турмушимиз давомида ҳар бир ишда қонун талабига қатъий риоя этсак, бу билан жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга, турли хил жиноий қилмишларга қарши курашга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Тўлкинжон ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг раиси
Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч — адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчкор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Файрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллиги: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oilyusud.uz
Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буортма: Г-1022. Қўзғач бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 7050.
1 2 3 4 Топириш вақти: 20⁰⁰ Топирилди: 21⁰⁰